



САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарлари, халқаро ташкилотлардан табрик мактублари келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноблари!

Америка халқи номидан Мелания ва мен Сизга ва Ўзбекистон халқига Рамазон ҳайити муносабати билан самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Рамазон ойининг якунланишини нишонлар эканмиз, кўшнларга ёрдам бериш ва турли эътиқодга мансуб одамлар билан таомни баҳам қўришдек ишларнинг адолат ва раҳм-шафқатли бўлиш каби муқаддас анъанасини янада тереги англаймиш. Рамазон ҳайити дўстликда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва барчаннинг ўз салоҳиятини тўлалигича рўйбга чиқара оладиган жамиятни барпо этиш масъулиятини ёдга солиди.

Америка Қўшма Штатлари қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, мамлакатимиз юксалишига муҳим ҳисса қўшган ва Қўролли Кучларимизда шараф билан хизмат қилган америкалик мусулмонларнинг ҳам юртидир.

Ушбу фазилатли айёмда мен дунёдаги барча мусулмонларга ўзининг энг самимий табрикларимни йўллар эканман, келаси йилдаги Рамазон ҳайитини ҳам сиҳат-саломатлик ва фаровонликда нишонлашни тилайман. Рамазон ҳайити муборак бўлсин!

Эхтиром ила,

Дональд Ж.ТРАМП,
Америка Қўшма Штатлари
Президенти

Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Қозғоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбаев;

Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов;

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев;

Саудия Арабистони Подшоҳи, икки муқаддас масжид ходими
Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Саудия Арабистони Подшоҳлиги валиаҳди, Вазирлар
Маҳкамаси раисининг ўринбосари, мудофаа вазири
Муҳаммад бин Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи
Абдулла Иккинчи бин ал-Ҳусайн;

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин Озодлик ташкилоти
Ижроия қўмитаси раиси Маҳмуд Аббос;

Испом ҳамкорлик ташкилоти Бош қотиби
Юсуф ал-Усаймин.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

МУНОСАБАТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ: жаҳон стандартлари сари муҳим қадамлар

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг айни шу кунларда қабул қилинган олий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган иккита муҳим қарори ёшлар, ота-оналар, умуман, бутун халқимиз томонидан қизғин қутиб олинди.

«2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида»ги қарорда қабул жараёнларини ҳар томонлама адолатли ва самарали ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ва механизмлари янновация асосида, бугунги замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда аниқ белгилаб берилганининг унинг ҳар бир бандидан сезиш, ҳис қилиш мумкин. Ҳозирги кунда бу қарор олимлар, педагог ва мутахассислар, кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилинмоқда, радио ва телевидение, газеталар ва Интернет нашрларида муҳим қишлоқлар билдирилмоқда.

Биз фақат мазкур ҳужжатда белгилаб берилган бир нечта жиҳатларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Қарорда янги ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида «Мақтабча таълим» бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ўқув муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари доирасида амалга оширилиши алоҳида таъкидланади. Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, ҳатто олис туманларда ҳам давлат-хусусий шериклик муносабатлари асосида қўллаб-қувватлаш босқичлари қўрилмоқда. Уларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж катта. Олий таълим муассасаларида «Мақтабча таълим» бакалаврият таълим йўналишининг ташкил этилиши ана шу талаб ва эҳтиёжни қисқа муддатда самарали қондириш имконини беради. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ўқув муддатининг 3 йил этиб белгилангани ёшлар, аввало қиз болаларнинг бу соҳага қизиқишини янада оширади. Чунки ҳозирги шиддатли замонда бир йилнинг тежалиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Давоми 4-бетда. ►

ВАТАННИ СЕВИШ — УЛУҒ ФАЗИЛАТ. ЁШЛАРИМИЗНИ АНА ШУНДАЙ ФАЗИЛАТЛИ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШИМИЗ КЕРАК.



Олтиариқ тумани Қапчиғой маҳалласида барпо этилган «Smart kids» мактабча таълим муассасаси.

ИҚТИСОДИЙ — ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯХШИЛАШ, ОДАМЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 июнь кунлари Фаргона вилоятида бўлди.

Давлатимиз раҳбари ташрифининг биринчи кўни қўллаб-қувватлаш лойиҳалари билан танишиш, тадбиркор ва инвесторлар, ишчи-хизматчилар, фермерлар, нурунийлар билан учрашди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қўролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёев Фаргона вилоятига ташрифининг иккинчи кўни Шарқий ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмда бўлди.

Бу ерда Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида берилган вазифалар ижросининг бориши билан танишиш, ҳарбий-ҳаво десантчилари бригадаси машғулотларини кузатиш, аскар ва офицерлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий қисмда ташкил этилган Маданий ҳордиқ маркази, Маънавият маркази, аутсорсинг тизими жорий этилган ошхонани кўздан кечирди.

— Ватанни севиш — улуг фазилат. Ёшларимизни ана шундай фазилатли қилиб тарбиялашимиз керак. Бунинг учун сиз каби мағрур, бакуватт йигитлар намуна бўлиши зарур. Ёшлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларни миллий ифтихор, Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўиши керак, — деди Президент.

Учрашувда ҳарбийларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни уй-жой билан таъминлаш ишларини янада

жадаллаштириш лозимлиги қайд этилди. Бунинг учун жойларда ташкил этилган ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Ҳарбий-ҳаво десантчилари тайёргарлигини ошириб бориш учун аэродинамик тренажерлар ўрнатиш, «Ватанпарвар» ташкилотлари ҳузурида парашютчилар тўғрисидаги қарорига мувофиқ, ўтган йили Мустақиллик мавзесида 7 қаватли 5 та уй қурилиб, эҳтиёжманд оилаларга топширилган эди.

Бу уйлар 2 ва 3 хонали бўлиб, йигирма йиллик имтиёзли ипотека кредити асосида берилган. Хонадонларда барча шароит яратилган. Квартиралар иситиш қозони билан таъминланган. Биноларга замонавий лифтлар ўрнатилган.

Айни пайтда ҳудудда жорий йилга режалаштирилган 10 та уй, меҳмонхона, 150 ўринли богча қуриб битказилмоқда. 2019 ва 2020 йилларда бу ерда яна 19 та кўп қаватли уй барпо этиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари кўп қаватли

уйлар учун Туркия, Жанубий Корея каби ривожланган давлатларда қўлланилаётган турар жой биноларини блоклардан барпо этиш тажрибасини ўзлаштириш зарурлигини таъкидлади.

— Блоклардан қуриладиган уй тез битади, зилзилага бардошли, таннархи арзон бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев. — Ривожланган давлатларнинг барчасида ана шундай уйлар қуришмоқда. Мамлакатимизга блоклардан уй қуриш бўйича замонавий технология олиб келинмоқда. Бу келгусида уй-жой қурилишини кўпайтириш имконини беради.

Ижтимоий соҳа ходимлари, ўқитувчилар ва шифокорларга мўлжалланган кўп қаватли уйлар бунёд этишга киришиш, улар учун бошланғич бадал тўловидан имтиёзлар бериш истиқболдаги режалардан экани қайд этилди.

Шу ерда вилоятдаги мавжуд инфратузилма иншоотларини сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш, Фаргона, Марғилон, Қувасой ва Қўқон шаҳарларидаги кўп қаватли уйларнинг иситиш тизимини қайта тиклаш, вилоятда ичимлик суви ва канализация тармоқларини ривожлантириш лойиҳалари тақдимотлари ўтказилди.

Президентимиз Фаргона вилоятидаги ушбу йирик шаҳарларни ривожлантириш, аҳолининг муаммоларини ҳал этиш, иқтисодий-ижтимоий инфратузилмани яхшилаш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан мазкур шаҳарлар ҳокимларига зарур топшириқлар берди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Фаргона вилоятига ташрифи нихосига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.

ХАЛҚПАРВАРЛИК, АДОЛАТ НИШОНАСИ

Ҳаётда адашган, қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлган кишиларни кечириб, уларга тўғри йўл топиши учун имкон бериш халқимизга хос фазилат.

Кўни кеча Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг афв этишга оид яна бир фармони қабул қилинган юртимизда инсон ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олинганлиги яна бир ёрқин ифодаси бўлди.

Қайд этиш керакики, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил декабрь ойида Конституциянинг 25 йиллиги арафасида эълон қилинган фармони билан мамлакатимиз тарихида илк мартабада 2 минг 700 нафар маҳкумни, жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан 956 нафар турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисидаги фармони бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

— Афв этиш ҳукм қилинган шахсга нисбатан инсонпарварлик ифодаси бўлиб, уни жазодан тўлиқ ёки қисман озод қилади ёки суд томонидан белгиланган жазони бошқа енгилроқ жазо билан алмаштирилади, — дейди юридик фанлари доктори Миравзал Миракулов. — Афв этиш аниқ ҳукм қилинганга нисбатан индивидуал

тарзда амалга оширилиши билан амнистия актидан фарқ қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, амнистия жиноят содир этган одамларни кечириб бўйича муҳим механизмлардан бири. Бироқ таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, олдиндан чуқур ўрганмасдан туриб жавобгарликдан озод қилишни белгилаш қилмишига пушаймон бўлмаган, етказилган зарарни тўлиқ қопламаган шахслар ҳам амнистия доирасига кириб қолишига сабаб бўлган. Бу масалада, минг афсуски, коррупция ҳолатлари ҳам бўлган, деб айтсак, тўғри бўлади.

Афв этиш судлар томонидан ҳукм қилинганларга, индивидуал тартибда аниқ бир маҳкумга нисбатан унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти номига афв этишни сўраб ёзган ёзма мурожаатига асосан амалга оширилади. Яъни шахс ўз айбини тан олиб, унга пушаймон бўлиб, кечирим сўрайди.

— Афв этишга оид бу галги фармон муборак Рамазон ҳайити муносабати билан қабул қилинганини халқимиз катта хурсандчилик билан қутиб олди, — дейди Тошкент шаҳар Яшнобод тумани «Янги нур» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Рустам Авазов. — Чунки бу айём юрtdошларимиз учун улуг байрамлардан бири бўлиши билан бирга, меҳр-муруват қўсатиш онлари ҳамдир.

Қайд этиб ўтиш керакики, фармонга мувофиқ, илк мартаба муборак Рамазон ҳайити муносабати билан ҳамда

ЕТ THE ECONOMIC TIMES

Economictimes:
Шавкат Мирзиёев
ва Нарендра Моди
муҳим масалаларда
музокара ўтказди...

Хитойнинг Циндао шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти йиғилиши доирасида Президент Шавкат Мирзиёев Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди билан учрашди.

Икки давлат етакчилари ҳамкорлик алоқаларини ҳар бир йўналишда, аниққса, иқтисодий ва маданий соҳаларда ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар, дейилади Хиндистоннинг Economictimes сайтида эълон қилинган мақолада.

«Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг икки кунлик саммитида қатнашган Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди ўзининг Твиттердаги саҳифасида қуйидагиларни ёзади: «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан аjoyиб учрашув. Бизнинг давлатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзининг тарихи ва чуқур илдишларига эга».

«Биз Хиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик алоқаларини барча йўналишларда, аниққса, иқтисодий ва маданий ҳамкорлиқни ривожлантириш масаласини ҳам қўриб чиқдик».

Хиндистон Бош вазири ўз давлатининг Покистон билан биргаликда ташкилот аъзолигига расман қабул қилинганидан сўнг саммитда илк бор иштирок этди.

«Нарендра Моди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан ШХТ саммити доирасида учрашди. Икки давлат раҳбари стратегик ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида турли мавзуларни муҳокама қилдилар, — деб ёзади Хиндистон Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакили Равеш Кумар.

Темур АЪЗАМ
тайёрлади.



ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ЭШИГИ КЕНГ ОЧИЛМОҚДА

Биз Циндао шаҳридаги
учрашувларни,
муҳокамалар ва
нутқларни интернет
тармоқлари, оммавий
ахборот воситалари
орқали катта қизиқиш
билан кузатиб бордик.

Президентимиз
ШХТнинг минтақавий
ва глобал сиёсатни
шакллантириш,
Евроосиё қитғаси
хавфсизлиги ва
барқарор тараққиётини
таъминлашнинг
муҳим механизми
сифатидаги роли
кучайиб бораётганини
таъкидлади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири.

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ОДАМЛАР ЯХШИ ЯШАШИ, ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИШИ УЧУН

Жиззах вилоятида улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда

Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги «Манас» ҚФДдан бошланган хайрли ташаббус бугун бутун вилоятни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Ана шундай улугвор ишлар бугунги кунда вилоятнинг 12 тумани, 24 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида изчил давом эттирилмоқда.

— Бу ишларни ўзаро мувофиқлаштириш учун вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш Бош бошқармасида мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ — штаб тузилган. Штабга мазкур дастур ижросига масъул бўлган барча манфаатдор ташкилотлар ва идораларнинг вакиллари бириктирилган, — дейди вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бошқармаси бўлим мудири Рустам Жайноқов. — Ишчи гуруҳнинг асосий мақсади — жойлардаги муаммоларни батафсил ўрганиб, молиялаштириш ишларига ёрдам кўрсатади, қурилиш материалларини марказлашган тарзда етказиб беришга кўмаклашади. Муҳими, кунлик ишларни мониторинг қилиб боради ҳамда тегишли ҳужжатларни раҳбариятга тақдим этади.

Бугунги кунда ушбу дастур ижросини таъминлаш мақсадида 23 қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида қурилиш-монтаж ишлари бошланган. Дўстлик туманидаги «Манас» ва Фориш туманидаги «Оқ том» МФЙда ободонлаштириш ишлари тўлиқ тугатилди. Мирзачўл туманидаги «Ғалаба» массивида барак типидagi 54 уй-жой ўрнига янги 400 ўринли бир қаватли уч хонадонли намунавий уйлар қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, 37 қўқаватли уйларда таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилди.

Бугунги кунда Фориш туманидаги «Хонбанди» шаҳарчасини замонавий қиёфага айлантиришда Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан

24 миллиард сўм миқдорда ҳимийлик ёрдами кўрсатилди.

Шунингдек, мазкур Дастурга асосан, Зомин туманининг «Навбахор» ҳамда Даштобод шаҳридаги «Бунёдкор» маҳалла фуқаролар йиғинларининг обод қишлоққа айлантиришда мавжуд яқда тартибдаги, қўқаватли уй-жой фондини яхшилаш, ташқи қиёфасини тартибга келтириш, умумийфойдаланув қисмлари ва майдонларини таъмирлаш, маиший инфратузилма объектларини жойлаштириш ҳамда атроф-муҳитни ободонлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 1544 хонадондаги 10 минг 331 нафар аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш назарда тутилган. Мазкур ишларни амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами 109 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

«Навбахор» МФЙда яқка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизгин: 155 уй-жой таъмирланган, 10 қўқаватли уй-жойнинг фасад қисми таъмирланган, «Чаманзор» кўчасида ичимлик суви тармоғи тортилиб, хонадонларга узатилмоқда.

Маҳалла ҳудудида жойлашган 15-умумтаълим мактаби директори Абдуҷаббор Муҳайминов бу ерда олиб бориладиган ишлар хусусида тўлиқ-тўшиб гапирди. Унинг фикрларидан шундай хулосага келдикки, ушбу ислохотлардан одамлар мамнун. Улар ҳаётдан рози.

— Дастурга қўқка, маҳалла гузарини, 12 километрик ички йўллари таъмирлаш, 3,5 километр ичимлик суви

тармоғини тортиш, 13 километр электр линиясини замонавий кабелларга алмаштириш, янги трансформаторлар ўрнатиш, 1,5 километр газ тортиш ишлари белгиланган — дейди маҳалла раиси Нурмуҳаммад Таниқуллов. — Ҳозирда умумий ишларнинг 60 фоизи бажарилган. Маҳаллада 726 хонадон мавжуд бўлиб, 3747 нафар аҳоли истиқомат қилмоқда. Маҳалладаги 16 нафар тадбиркор бу эзгу ишларда бизга қамарбаста бўлмоқда.

«Бунёдкор» МФЙда ҳам Дастур доирасида ишлар изчил амалга оширилмоқда: яқка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш ва ободонлаштириш бора-сида 132 уй-жой таъмирланган, 9 қўқаватли уй-жойнинг фасад қисмлари таъмирланиб, уйлар атрофидаги ноқонуний қурилган иморатлар бузилмоқда, 5 тозалов иншоотлари (оқова сув хандаклари) қурилиш режалаштирилган бўлиб, улардан 2 таси фойдаланишга топширилган, 25 километр электр энергияси таъминотидан 3,3 километр тармоқ таъмирланган. 0,2 километр газ қуурлари ётқизилиб, мавжуд 1,7 километр газ қуурлари таъмирланиб, бўёқлаш ишлари олиб борилмоқда, 6,5 километр автомобиль йўллари таъмирланиш режалаштирилган.

Иқтимоий соҳа объектларидан хусусан, бочча қурилиш, режалаштирилган мактабларни капитал таъмирлаш қўқда тутилган бўлиб, уларда тайёрларлик ишлари бошланган. Шунингдек, дастурда белгиланган бозор инфратузилма объектлари қурилиши ва таъмирланиши ҳам бошланган.

— Фориш тумани ҳудудида қўқгина фойдали қазилма бойликлари топилган, — дейди туман иқтисодиёт бўлими мудири Жаҳонгир Каримов. — Айниқса, темир оксидга тўйинтирилган руда ва қўқка мармар, қўққошин ва рух, базальт хом ашёларининг катта миқдордаги қазилма бойликлари захираси мавжуд. Бу ўз навбатида йилга 2,5 минг тонна базальт толаси ва 3 минг тонна базальт толали композит амуратура ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Мега Инвест Индустриал», йиллик ишлаб чиқариш қуввати 327 минг тонна оҳақтошни ташкил этадиган «Фориш цемент» каби масъулияти чекланган жамиятларининг самарали фаолият юритишига хизмат қилмоқда.

Туман асосан экотуризм соҳасини ривожлантиришга қўққай ҳудуд ҳисобла-

нади. «Айдарқўл» ва «Тузқон» қўққларининг мавжудлиги, қўққда аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган турли хилдаги балиқларнинг қўққлиги, қўққларнинг ноёб турлари борлиги, шунингдек, «Мажрум» қишлоғида минг йиллик тарихга эга арча дарахти ўсиши инобатга олинмаган бўлса, туман нафақат мамлакатимиз аҳолиси учун, балки чет эллик сайёҳларни ҳам фаол жалб этиш экотуризм субъекти бўлиб хизмат қилиши мумкин.

«Обод қишлоқ» дастурига тумандаги «Хонбанди» маҳалла фуқаролар йиғини ҳам киритилган бўлиб, келгусида бу ерда маҳалла гузари билан бирга тикувчилик цехи бунёд этиш режалаштирилган. Биз тадбиркор Бозоргул Тўраеванинг келгусидаги режалари билан қизиқдик.

— Мана бугун «Хонбанди» маҳалла фуқаролар йиғинида жуда ҳам катта ишлар амалга ошириляпти, — деди у. — Биз тадбиркорлар ҳам четда қараб турганимиз йўқ. Менга ажратилган жойда тикувчилик цехи ташкил этиб, яқинимизда жойлашган цемент заводи ишчилари учун махсус кийимлар тикишни йўлга қўйдик. Бу тўқайли 20 қўққимча иш ўрни яратилади.

— Мен шу маҳаллада йигирма йилдан бунён яшайман, — дейди биз билан суҳбатда уй бекаси Ҳайиткул Қаршибоева. — Тўқисини айтиш керак, маҳалламиз умуман қаровсиз ҳолда келиб қолган эди. Мана шу ўтган қисқа вақт оралиғида улкан ишлар бажарилди.

Зафаробод туман марказидан 22 километр узоқликда жойлашган «Лолазор» фуқаролар йиғинидаги Абдурауф Фитрат кўчасидаги 5 та қўққаватли уйнинг ҳозирги ҳолатини қўққдан кечирдик. 4 уйнинг том қисми ёпилибди, ён-атрофидаги ноқонуний, тартибсиз қурилишлар бузилиб текисланибди. Айни пайтда бешинчи уйнинг том қисмини алмаштириш ишлари охираб бораётир.

«Ишбилармон Элёр Чимқўрғон» қўққ тармоқли фермер хўжалиги раҳбари Элёр Абдуғаниевнинг айтишича, фермер хўжалиги полиз маҳсулотлари (қовун)ни экспорт қилиш билан шўғулланар экан. У ёшлар учун маҳаллада сўнғий қўққламали мини стадион қўққмоқчилигини ҳамда тижорат банкидан 150 миллион сўм имтиёзли кредит олиш истағида эканини айтди. Ҳамроҳларимиз орасида туман ҳокимининг иқтисодиёт бўйича биринчи ўринбосари Қодиржон Ризаев, ҳокимнинг қўққри-

Шароф Рашидов

туманининг

«Қўёвбоши» қишлоқ

фуқаролар йиғинида

ҳам ободонлаштириш

ишлари авжида.

Маҳалла раиси

Шавкат Ҳайдаровнинг

сўзларига қўқка,

булаётган ишларнинг

аҳамиятини аввалига

аҳоли унчалик

тушунмаган.

лиш бўйича ўринбосари Воҳиджон Султоновнинг борлиги жуда қўққ келди. Улар тадбиркор йиғитимизга тегишли тавсияларини беришди ва уни ҳар томонлама қўққлаб-қўққватлашларини билдиришди.

«Зафаробод нузли даласи» қўққтармоқли фермер хўжалиги раҳбари, ёш тадбиркор Бекзод Бегимқўқов бошқараётган фермер хўжалиги пахта, ғалла, чорвачилиқдан ташқари, қандолатчилик, қўққлипи нон ишлаб чиқариш билан шўғулланаркан. Тадбиркорнинг галдаги режаси «ноль» қийматида олган қаровсиз бинода ҳаммом ва спорт-соғломлаштириш марказини қўққмоқчи.

Шароф Рашидов туманининг «Қўёвбоши» қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам ободонлаштириш ишлари авжида. Маҳалла раиси Шавкат Ҳайдаровнинг сўзларига қўқка, булаётган ишларнинг аҳамиятини аввалига аҳоли унчалик тушунмаган. Бугун барча хурсанд бўлиб, ислохотларни эътироф этмоқда.

Ёш тадбиркор Иштиёр Абдурахмонов шундай ҳикоя қилади: — Аҳолининг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида ўз маблагим ҳисобидан савдо шохбаси барпо этишни кўнглимга тугдим. Шу мақсадда ишларни бошлаб юбордим...

Обиддин МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«АЛЛОҲ ХОЛИСОНА ҚИЛИНГАН ИБОДАТНИ ЁҚТИРАДИ»

Бугун Рамазон ойи ниҳоясига етиб, эртага юртимиз бўйлаб Ҳайит байрами нишонланади. Муборак ойда пок ниятлар ила рўза тутган аҳли муслмонга қанчалик муқофот ёзилиши хусусида Тошкент шаҳридаги Носирхон жомеъ масжиди имом-хатиби Абдулҳаким МАТҚУЛОВ қўққдагиларни гапириб берди:

— Бисмиллаҳир раҳмонир роҳим. Алҳамду лиллаҳи роббил ʼаламин. Вассолату вассаламу ʼала расулиллаҳи ва ʼала олиҳи ва асҳоби ажмаʼийн. Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар, Муҳаммад алайҳиссаломга дуруду салаватлар бўлсин.

Рўза — буюк ибодатдир. Бу ибодатда Аллоҳга ҳеч ким ва ҳеч нарса шерик қилинмаган. Шунинг учун ҳам Аллоҳ рўзани Ўзига хослади, яъни: «Рўза Мен учундир, унинг муқофотини Ўзим бераман», деб марҳамат қилган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нақл қилганларки: «ҳар бир одам боласининг қилган ишини Аллоҳ ажрини ўн баробардан етти юз баробарча қўққайтиради. Магар рўза Унинг учундир, муқофотини Унинг ўзи беради».

Уламолар ушбу ҳадис хусусида, ҳар хил фикрлар билдиришган.

— Рўзага риё аралашмайди. У қалбан бажариладиган нарса, бошқа амалларга риё аралашган бўлиши мумкин. Чўққки ибодатлар ичида фақат рўзагина инсонлардан махфий, ниятнинг ўзи билан амалга оширилади.

— «Унинг ўзи муқофотлайди», сўзининг маъноси рўзага бериладиган ажр-савоб миқдорини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, деганидир.

— «Рўза Аллоҳ учун, Аллоҳ уни муқофотлайди», дегани «Аллоҳ холисона қилинган ибодатни ёқтиради», деган маънодадир.

— Таомлинидан беҳожат бўлиш ёлғиз Аллоҳнинг сифатидандир. Мўмин рўзадор бўлганида мана шу илоҳий сифат билан хўқққланади, Аллоҳга қўққрат ҳосил қилади.

— Бунда малоикаларга ўхшашлик ҳам боради. Чўққки улар Таомдан беҳожатдирлар.

— Ҳамма ибодатларда баъзан бандаларга зулм етказиб қўққий эҳтимоли бор, рўзада эса бундай эмас. Уламоми киромлар Аллоҳ учун тутилган рўза тилида ва амалида гуноҳлардан сақланган кишининг рўзаси эканига иттиқоқ қилишган.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтадилар: «Рамазоннинг ҳар бир соатида Қадр кечасига олти юз мингта дўзахга маҳкум бўлган киши дўзахдан озод қилинади, Қадр кечасида эса оининг аввалидан бошлаб унга озод қилинганлар миқдорича киши озод қилинади. Ҳайит кўни эса бу муборак ойнинг бошидан то охиригача озод қилинганларнинг ададича киши озод қилинади» («Мишқот»).

Шаҳбоз САИДОВ
ёзиб олди.


ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР — МИЛЛАТ ГУРУРИ, МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

ТАЛАБАЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ИШЛАНМАЛАРИ

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Ўзбекистон ва Япония ёшларининг инновацион марказида Инҳа, Турин политехника университетлари ва Жиззах политехника институтини талабаларининг инновацион ишланмалари қўққазмаси бўлиб ўтди.

— Тўқда ёки электр бўлмаган ҳудудларда электр қувватига бўлган эҳтиёжни қондириш учун махсус ускуна ясаганмиз, — дейди Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг электроника ва автоматика факультети 4-босқич талабаси Комилжон Зўфаров. — Филдираклар ускунаси қийинчиликсиз олиб юришга имкон яратса, енгиллиги эса қўққтариб юришда муаммо туғдирмайди. У кўн давомида ишлайверади. Йиғилган қувват 6-7 соат телевизор қўққишга, вентилятор ва компьютер ишлатишга етиши мумкин. Қўёш нурулар қайси томондан тушаётган бўлса, ўша томонга ўғириб қўққса ҳам бўлади. Усқунани қўёш панели, аккумулятор ва инвентордан фойдаланиб ясадим. Қўёш панели ишлаб чиқарган қувват 20 вольтга тенг, мен унга инвентор улаганлигим учун ўзгармас электр қувватини ўзгарувчан қилиб, 220 вольтга етказди. Бу телевизор ҳамда вентиляторларни ишлатиш имконини беради. Усқунанинг ишлаш қувватини ошириш ҳам мумкин.

— Мен яратган махсулот полистрион чикндисига гипс аралаштирилиб тайёрланади, — дейди Жиззах политехника институтининг 3-босқич талабаси Элбек Тиловов. — Уй қўққиб бўлинган, хоналарни бўлишда ундан фойдаланса бўлади. Афзаллик томони енгил бўлиб, унга ишлов беришда ортиқча харажат талаб қилинмайди. Иссиқ-совуқни яқши сақлайди, шовқин



ўтказмайди. Атроф-муҳитга зарарсиз. Шунингдек, иқтисодий самардорлиги ҳам юқори.

— Ҳамма машинанинг ўнға ёки чағга қайрилиши олдида оғоҳлантирувчи чироқ ёнади, бу чироқлар механик тарзда ишлайди, — дейди Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг электроника ва автоматика факультети 3-босқич талабаси Азиз Эргашов. — У маълум муддат ишлашга, бузилиб қўққиши мумкин. Мен мана шу қўққилманинг электрон варианты яратдим. Нарҳи арзон ва қўққ йиллар давомида нуқсонсиз ишлайди.

Яна бир усқунамиз машинага ўрнатилади. У ёруғликка қараб ишлайди. Мисол учун

кундузи тунелга кирадиган бўлсангиз, чироқлар автоматик тарзда ёнади, чикшингиз билан ўзи ўчади. Яна бир қўққайлиги машина бирон-бир тўққсика яқинлашганда сигнал бериб ҳайдовчинини оғоҳлантиради. Қўққилмани ишлаб чиқарадиган завод билан ҳамкорлик қилиб, амалиётга тадбиқ қилсақ, ажойиб иш бўларди.

Кейинги техникамиз эса моторларнинг айланиш тезлигини ўлчайдиган тахометрнинг электрон вариантыдир. Бу усқунамиз ўзимизда ишлаб чиқарилган. У саноятда жуда ҳам керакли, ишлаб чиқарувчи ҳар доим моторлардаги парракларни бир хил тезликда айланиб турганини назорат қилиб бориши керак.

Санабо ШОТЎЛТАНОВ олов сўрагилар


Ушбу лазер қўққилмамизни қўққиллаш хизматида фойдаланса бўлади. Бу ҳам ўзбек моделида ишлайди. Дастурини ўзим яратганман. Қўққайлик тарафи ҳеч ким уни бузиб қира олмайди. Чўққки у яширин кодда лазер нуруни катта тезликда узатади, бу кодни бузиб киришининг илоҳи йўқ. Хорижда ишлаб чиқариладиган шу каби лазерларга қараганда имкониятлари юқори, анча арзон ва ишончлидир.

Бу усқунам эса иссиқхоналарни автомат тарзда бошқариш имконини беради. Иссиқ-совуқни назорат қилади, намлик қамайган бўлса, сув қўққяди. Озуқа етишмаса, ўғит беради. Ойналарни очади, вентиляцияни ишга туширади. Хўққлас, иссиқхона ишончли назоратда бўлади. Экранда иссиқхона ҳақидаги барча маълумотларни қўққсатиб боради. Иссиқхонангиз учун муътадил шароитни киритиб қўққсангиз қолганини ўзи бажараверади.

Қўққазмада яна қўққлаб ихтиролар ва ишланмалар намойиш этилди.

Тадбир давомида Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Инҳа, Турин политехника университети, Жиззах политехника институт ўрталарида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шунингдек, Маданият ҳамда Инновацион ривожланиш вазирликлари билан ҳамкорликда мазкур олий таълим муассасалари талабалари иштирокида ёшлар пресс-клуби ташкил этилди. Унда талабалар ўзларини қизиктирган саволлар ва масалалар юзасидан мутасаддиларидан жавоб олишди.

Шаҳбоз САИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Қисқача айтганда, Давлат комиссияси-
га кўпроқ ҳуқуқ берилмоқда, айти пайтда
катта масъулият ҳам юкланмоқда.


Қароғра мувофиқ 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш мuddати қамида 3 йил бўлган бакалаврият ҳамда қамида бир йил бўлган магистратура жорий этилмоқда. Магистратурада мутахассислар тайёрлаш ишлаб чиқариш (амалий) (қамида бир йил) ва илмий-педагогик (қамида икки йил) йўналишларига ихтисослашган дастурлар асосида ташкил этилади. Бундай ўзгаришлар, қокорида айтилганидек, олий маълумотли мутахассислар тайёрлашда вақт ва имкониятлардан унумли фойдаланишни

Маълумки, ёшларнинг қалби жуда нозик ва сезувчан бўлади. Аиниқса, улар ўзларига нисбатан ҳар қандай адолат-сизиликни ғоят тез ҳис қилади. Уларнинг билими, истеъдоди ва интилишлари адолатсиз, бир ёқлама ва юзак баҳоланган тақдирда, ўқишга, изланишга, ўз устиди ишлашга бўлган иштиёқ, ўзига бўлган

Ҳеч кимга сир эмас, илгари бу тоғи-
нинг турли имомини тадбирлар, ҳужайи
ишларига жалб этилиши уларнинг бири-
чи даражали профессионал вазифаси би-
лан тўлақолини шугулланиши, ўзининг бор
куч-гайрати, билим ва тажрибасини шу
олижаноб ишга сафарбар этишига имкон
бермас эди. Ўз устиди шоғирдлари тар-
бияси бўйича ҳодим эмас, балки вақти-
вақти билан ишлашга мажбур бўлган
профессор-ўқитувчи тайёрлаган кадрлар
ҳам, ўз-ўзидан равшанки, шунга яраша
тўлақолини бўлмас эди. Буни ҳаётнинг ўзи
кўпгина мисолларда исботлайди.

иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ва киларидан иборат таркибда жомоатчилик кенгаши ташкил этилиши аини шу мақсадга хизмат қилади. Аиникса, талаба-ўшарининг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаш йўлидаги интилишлари, етакчилик қобилияти, инновацион изланишларини рабатлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани, шу мақсадда «Инновацион» гоялар етакчиси» курак нишони таъсис этилаётгани келгусида олий таълим муассасаларида илмий-педагогик ва инновацион муҳити туддан ўзгаришда қудратли омилга айланида, деб ишонамиз.

Албатта, қюрорида қасб этилган қарорларнинг ҳар бири гоят кенг қамровли бўлиб, бу ҳужжатларнинг аҳамияти ҳақида узок фикр юритиш мумкин. Энг муҳими, биз — олий таълим соҳасида фаолият юритаётган педагоглар, илмий ва раҳбар ҳодимлар бу қарорларни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, уларда белгилал берилган талаб ва мезонларни амалга оширишда фаол иштирок этишимиз лозим.



Эртага эса футбол мухлис-
ларини бири-биридан қизиқарли
ўйинлар кутиб турибди.



Шахбоз САИДОВ


QISHLOQQURILISHBANK



МАЗКУР ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- ❑ мuddати келган омонатни амалдаги бошқа омонат турларига масофадан қайта расмийлаштириш;
- ❑ масофадан омонат ҳисоб рақамлари қолдиқларини назорат қилиб бориш;
- ❑ омонат ҳисоб рақамини ёпиш ва маблағ қолдиғини тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиш;
- ❑ мuddати келган омонатлар бўйича банк филиалидан автоматик тарзда SMS-хабарнома қабул қилиб бориш;
- ❑ банк пластик карточкасидан омонатларга маблағ қўйиши мумкин.

“Қишлоққурилишбанк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!



Хизматлар лицензияланган.

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

(Bosh muharrir birligi)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatir va murojaatlar uchun — 233-12-56
Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-ragam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638. 11092 nusxada bosildi
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21:55.
Topshirilgan vaqti — 01:10.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Alisher RO'ZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун
QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг

1	2	4	5	6
---	---	---	---	---